

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

1-2-сон
(1021-1022)
2022 йил
январь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

1. «Ўсимликлар карантини ва химояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 январдаги ўРҚ-743-сон Қонуни
2. «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245 ва 245⁸-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 январдаги ўРҚ-744-сон Қонуни
3. «Гидрометеорология фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 январдаги ўРҚ-745-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

4. «Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида» Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сон Фармони

5. «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-80-сон қарори
6. «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарори
7. «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 январдаги ПҚ-82-сон қарори
8. «Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 январдаги ПҚ-83-сон қарори

Учинчи бўлим

9. «Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 январдаги 17-сон қарори

Бешинчи бўлим

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 6 январдаги 31/8-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1883-1*)
11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 24 декабрдаги 46-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 48-2021-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995-1*)
12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги 80-сон «Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида рас-

мий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3299-1*)

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 81-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 78-ққ-сон, Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 44-сон, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 23 декабрдаги 23-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2021 йил 25 декабрдаги 28-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 24 декабрдаги 01-02/5-57-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1 **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 14 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 январда эълон қилинган.

244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова № 8, 800, 802, 803-моддалар) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **107-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«107-модда. Ўсимликлар карантини объектларига ва бошқа зарарли организмларга қарши курашишга доир фитосанитария талабларини (чораларини) ҳамда бошқа қоидаларни бузиш

Ўсимликлар карантини объектларига ва бошқа зарарли организмларга қарши курашишга доир фитосанитария талабларини ҳамда бошқа қоидаларни карантин остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва йўқ қилиш чоғида бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фитосанитария чораларига риоя қилмаслик, шу жумладан ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўрмаганлик —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўз ҳудудида ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларни аниқлаган, фитосанитария дала назоратини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига ихтиёрий равишда мурожаат қилган ҳамда уларнинг ўчоқлари кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрган шахслар маъмурий жавобгарликдан озод этилади»;

2) **108-модданинг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«108-модда. Карантин остидаги маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиш қоидаларини бузиш

Карантин остидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш қоидаларини бузиш».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги 113–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, № 4, 287-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

зарарли организм — ўсимликларнинг, хайвонларнинг ёхуд касаллик қўзғатувчи агентларнинг ўсимликларга ёки ўсимлик маҳсулотларига зарар етказувчи ҳар қандай тури, хили ёки биотиби;

карантин остидаги маҳсулот — ўсимликлар карантини объектларини ташувчилар бўлиши мумкин бўлган ўсимликлар, уларнинг қисмлари, экиш материаллари, қайта ишлаш маҳсулоти, бошқа маҳсулот ва юклар;

карантин рухсатномаси — карантин остидаги маҳсулотни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга ёки унинг ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтишга рухсат берилганлигини тасдиқлайдиган, Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги томонидан берилган ҳужжат;

карантин чекловлари — карантин остидаги маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишни, ташишни ва ундан фойдаланишни ўсимликлар карантини объектлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида муайян муддатга чекловчи фитосанитария тадбирлари;

фитосанитария сертификати — карантин остидаги маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи халқаро намунадаги ҳужжат;

фитосанитария чоралари — ўсимликлар карантини объектлари кириб келишининг ёки тарқалишининг олдини олишга ёхуд тартибга солинадиган, карантин остида бўлмаган зарарли организмларнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатишини чеклашга қаратилган тартиб-таомиллар (кўздан кечириш, таҳлил қилиш, назорат қилиш, курашиш, тақиқ қўйиш ва бошқалар);

фитосанитарияга оид хавфни таҳлил қилиш — ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш ва улар бўйича мутаносиб фитосанитария чораларини қабул қилиш мақсадида биологик, илмий ва иқтисодий маълумотларни баҳолаш жараёни;

фумигация — ўсимликлар карантини объектларини ва бошқа зарарли организмларни йўқ қилиш мақсадида уларни кимёвий воситаларнинг газлари билан зарарсизлантириш;

ўсимликлар карантини — қишлоқ хўжалигига ва бошқа ўсимликлар дунёсига зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини объектлари кириб келишининг, тарқалишининг олдини олишга ҳамда бундай объектларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуи;

ўсимликлар карантини объекти (карантин аҳамиятига эга

бўлган зарарли организм) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлмаган ёки чекланган тарзда мавжуд бўлган, тарқалиши катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган ва карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмларга қарши курашиш объекти ҳисобланган зарарли организм;

ўсимликлар карантини объектларини ташувчилар — ўсимликлар карантини объектларининг тарқалишига имконият туғдириши мумкин бўлган транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги машиналари, ерга ишлов бериш қуроллари, идишларнинг барча турлари, айрим саноат товарлари, қадоқлаш воситалари, шунингдек ўсимлик материалларидан тайёрланган буюмлар, яхлит тошлар, тупроқ намуналари ва (ёки) бошқа объектлар»;

2) **4-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фитосанитария талаблари Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (бундан буён матнда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги деб юритилади) томонидан тасдиқланади»;

3) **6-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Фитосанитарияга оид хавф таҳлилини ўтказиш, зарарли организмлардан холи зоналар ва зарарли организмлар сони кам бўлган зоналарни эълон қилиш ҳамда бундай зоналар мақомини бекор қилиш тартибини белгилайди»;

еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

4) **3-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3-боб. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати тизими. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилиш»;

5) **9** ва **10-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9-модда. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати тизими

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати тизимини:
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари;

туман (шаҳар) ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимлари;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти (бундан буён матнда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти деб юритилади);

Республика агрокимёвий таҳлил маркази;

Қорақалпоғистон Республикасидаги ва вилоятлардаги чигирткага ва тут парвонасига қарши курашиш хизматлари;

«Биосифат» республика маркази;

Ўсимликлар карантини бўйича ташқи иқтисодий фаолият чегара пунктлари, ўсимликлар карантини бўйича давлатлараро чегара пунктлари, республика ички автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортларидаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти ташкил этади.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича махсус ваколатли давлат органидир.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига, шунингдек тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бўйсунди.

Туманлар ва шаҳарларнинг ўсимликлар карантини давлат инспекторлари, ўсимликлар карантини бўйича ташқи иқтисодий фаолият чегара пунктлари, ўсимликлар карантини бўйича давлатлараро чегара пунктлари, республика ички автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортларидаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларига бўйсунди.

10-модда. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилиш

Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизматига раҳбарликни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизматига раҳбарликни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг бошлиқлари Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади. Туман ва шаҳарларнинг ўсимликлар карантини давлат инспекторлари Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

Ўсимликлар карантини бўйича ташқи иқтисодий фаолият чегара пункт-

ларидаги, ўсимликлар карантини бўйича давлатлараро чегара пунктларидаги, республика ички автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортларидаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктларидаги ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пунктидаги ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизматидаги ўсимликлар карантини бўйича тегишли чегара пунктларининг ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод қилинадиган мудирлари бошчилик қилади»;

б) 11-модда:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11-модда. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ваколатлари»;

биринчи қисми:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги»;

ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини бўйича ташқи иқтисодий фаолият чегара пунктлари, ўсимликлар карантини бўйича давлатлараро чегара пунктлари, республика ички автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортларидаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти, шунингдек зарарсизлантириш (фумигация) бўлимлари, чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизматлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди»;

ўн учинчи хатбошисидаги «ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича махсус фумигация бўлимларини» деган сўзлар «зарарсизлантириш (фумигация) бўлимларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади»;

қуйидаги мазмундаги **йигирманчи — ўттизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«фитосанитарияга оид хавф таҳлилини ўтказиши;

фитосанитария чораларини ишлаб чиқади ва қўллайди;

зарарли организмлардан холи зоналарни ва ўсимликлар карантини объекти сони кам бўлган зоналарни белгилайди, заруратга қараб бундай зоналарнинг мақомини бекор қилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди учун потенциал хавф туғдирадиган зарарли организм аниқланган ёки бундай ҳолатлар тўғрисида хабар қилинган тақдирда, тезкор чоралар кўради;

карантин остидаги махсулотда, шунингдек ўсимликлар карантини аҳамиятига эга бўлмаган, фойдаланилиши катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган ва шу муносабат билан фитосанитария чоралари кўри-

лиши лозим бўлган экиш материалида зарарли организмларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришнинг олди олиниши устидан назорат олиб боради;

қўлланиладиган фитосанитария чоралари бўйича асосни (фитосанитарияга оид хавфни таҳлил қилишнинг илмий принциплари ва натижалари ҳамда фитосанитария чоралари бўйича халқаро стандартлар асосида) тақдим этади;

чет давлатнинг ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича ваколатли органини Ўзбекистон Республикасига экспорт ёки реэкспорт қилинаётган карантин остидаги маҳсулотга нисбатан қўйиладиган фитосанитария талабларига риоя этилмаганлиги ҳоллари тўғрисида хабардор қилади;

Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинган карантин остидаги маҳсулотга нисбатан импорт қилувчи мамлакатнинг эътирозларини текшириш натижалари тўғрисида импорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органини хабардор қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудлари микёсида ўсимликлар карантини объектини бартараф этиш ва унинг ўчоғи кенгайишига йўл қўймаслик дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига карантин остидаги маҳсулот олиб кириладиган мамлакатни аниқлайди;

чет давлатнинг ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича ваколатли органи, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ва минтақавий ташкилотлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти доирасидаги Фитосанитария чоралари бўйича комиссияси Котиби эътиборига Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхати, кўрилган фитосанитария чоралари ҳамда тезкор чоралар тўғрисидаги маълумотни етказиши;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

7) **12-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг ваколатлари»;

биринчи қисми:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«туманлар ва шаҳарлар микёсида ўсимликлар карантини объектини бартараф этиш ва унинг ўчоғи кенгайишига йўл қўймаслик дастурларини ишлаб чиқади, шунингдек уларни тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига киритади;

экспорт учун юкланаётган карантин остидаги маҳсулотнинг қайта зарарланишининг олдини олишга ва унинг расмийлаштирилган фитосанитария сертификатиغا мувофиқ бўлишини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

8) **13-моддадаги** «Ўсимликлар карантини илмий маркази» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **14-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг бош директори Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторидир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосари ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг директори — Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг ўринбосарларидир.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларидир.

Туманлар ва шаҳарлар ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ҳамда агроном-энтмологлари ўз фаолиятини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг, туман (шаҳар) ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимларининг агрономлари, ўсимликлар карантини бўйича ташқи иқтисодий фаолият чегара пунктларидаги, ўсимликлар карантини бўйича давлатлараро чегара пунктларидаги, республика ички автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктларининг, шунингдек почтамтдаги ўсимликлар карантини пунктининг мудирлари ҳамда агрономлари, зарарсизлантириш (фумигация) бўлимлари,

Қорақалпоғистон Республикасидаги ва вилоятлардаги чигиртка ҳамда тут парвонасига қарши курашиш бўйича хизматларнинг бошлиқлари ўсимликлар карантини давлат инспекторларидир»;

11) 17-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўсимликлар карантини объектларидан холи зоналар ва ўсимликлар карантини объектлари сони кам бўлган зоналар устидан назоратни амалга ошириши»;

олтинчи хатбошиси еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

12) 18-модда биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати» деган сўзлар «ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматидан» деган сўзлар «ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизматидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига» деган сўзлар «ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизматига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 19-модда:

биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати» деган сўзлар «ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати» деган сўзлар «ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) қуйидаги мазмундаги **20¹-модда** билан тўлдирилсин:

«20¹-модда. Фитосанитария чоралари

Фитосанитария чоралари Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан фитосанитарияга оид хавфни таҳлил қилишнинг илмий принциплари ва натижаларига, фитосанитария чоралари бўйича халқаро стандартларга асосланган ҳолда қабул қилинади.

Фитосанитария чоралари янги илмий-техник ишланмалар ва асослар юзага келишига қараб қайта кўриб чиқилиши ва янгилиниши лозим.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги фитосанитария чоралари қабул қилинганлиги, қўлланилганлиги, бекор қилинганлиги тўғрисида йигирма тўрт соат ичида эълон қилади ҳамда бу ҳақда бевосита тегишли чет давлатларнинг ваколатли органларини хабардор қилади.

Карантин остидаги маҳсулотни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш чоғида аниқланган янги зарарли организм тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги фитосанитарияга оид хавф баҳолангунига қадар вақтинчалик тезкор фитосанитария чораларини қабул қилади ва қўллаиди»;

15) қуйидаги мазмундаги **21¹-модда** билан тўлдирилсин:

«21¹-модда. Ўсимликлар карантини объектини бартараф этиш ва унинг ўчоғи кенгайишига йўл қўймаслик дастури

Ўсимликлар карантини объектини бартараф этиш ва унинг ўчоғи кенгайишига йўл қўймаслик дастури янги зарарли организм аниқланган тақдирда, фитосанитарияга оид хавфни, ўсимликлар карантини объектининг биологик хусусиятларини ва унинг аниқланиш ҳолатларини, географик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларни, мавсумий хусусиятга эга омилларни таҳлил қилиш асосида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Туманлар ва шаҳарлар миқёсида ўсимликлар карантини объектини бартараф этиш ва унинг ўчоғи кенгайишига йўл қўймаслик дастури тегишли ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ўсимликлар карантини объектини бартараф этиш ва унинг ўчоғи кенгайишига йўл қўймаслик дастури Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

16) **24-модданинг матнидаги** «ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича махсус фумигация бўлинмалари» деган сўзлар «зарарсизлантириш (фумигация) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **25-модданинг учинчи қисмидаги** «ўсимликлар карантини бўйича» деган сўзлар «ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **26-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шу жумладан фитосанитарияга оид хавф таҳлили натижалари, фитосанитария талаблари, фитосанитария чоралари, карантин остидаги маҳсулот олиб қилинадиган ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктларининг рўйхати, шунингдек карантиндаги ҳудудлар, ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати томонидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ўсимликлар карантини соҳасидаги бошқа ахборот оммавий ахборот воситаларида ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади»;

19) **27-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 29-модда:

иккинчи ва бешинчи қисмларидаги «Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фитосанитарияга оид юқори хавфга эга бўлган карантин остидаги маҳсулотни, шу жумладан экиш, пайвандлаш, кўпайтириш учун мўлжалланган экиш материалларини, хусусан кўчатлар, илдизлар, барглар, қаламчалар, уруғлар, тугунаклар, пиёзбошлар, илдизпояларни ёки уларнинг қисмларини хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқароларга почта ва курьерлик жўнатмаларида юбориш, шу жумладан бағжда ва қўл юкида олиб ўтиш тақиқланади»;

ўн иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Карантин остидаги маҳсулот мавжуд бўлган транзит юклар ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати томонидан текширувдан ўтказилиши лозим»;

21) 32-модданинг:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32-модда. Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати тизимини молиялаштириш»;

биринчи қисмидаги «Ўсимликлар карантини бўйича» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини соҳасида кўрсатиладиган пулли хизматлардан олинган даромадлар ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати тизими ходимларини рағбатлантиришга, унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга ҳамда ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларнинг ўрнини қоплашга сарфланади»;

тўртинчи қисмидаги «Ўсимликлар карантини бўйича» деган сўзлар «Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини
таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч
ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 январь,
ЎРҚ-743-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

2 **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245 ва 245⁸-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 17 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 январда эълон қилинган.

8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **245-модданинг биринчи қисмидаги:**

«43» рақами «43 (бундан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«197²» рақами «197², 197³» рақамлари билан алмаштирилсин;

«200²» рақами «200² (бундан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«241¹ — 241⁸ ва 241¹⁰» деган сўзлар «241⁵ ва 241⁷» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **245⁸-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«245⁸-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича
вакил ҳамда унинг девони ходимлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ушбу Кодекснинг 43 (тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари

қисмида), 200² (тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилиши қисмида), 241¹ — 241⁴, 241⁶, 241⁸, 241¹⁰-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тарзидаги маъмурий жазоларни қўллашга унинг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони бош инспекторлари ҳақлидир».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 январь,
ЎРҚ-744-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

3**Гидрометеорология фаолияти тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 12 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади гидрометеорология фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчилик

Гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атроф табиий муҳит ифлосланишининг мониторинги — атроф табиий муҳитнинг ҳамда атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари ва тупроқ ифлосланишининг доимий комплекс кузатувлари, шунингдек атроф табиий муҳит ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаш;

гидрометеорологик ахборот — гидрометеорологик ҳодисалар ва атроф табиий муҳит ҳолатининг кузатувлари натижалари, шунингдек ишлов бериш ҳамда таҳлил қилиш йўли билан олинган, фойдаланиш, тарқатиш ва сақлаш учун мўлжалланган ахборот;

гидрометеорологик жараёнлар — атмосферанинг ва гидросферанинг ҳолатини тавсифловчи гидрометеорологик ҳодисаларнинг вақт ва маконда изчил ривожланиши;

гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш — аҳолига, иқтисодиёт тармоқларига ва ижтимоий соҳага эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун гидрометеорологик жараёнларни атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиш орқали бошқариш (кўчкларни мажбуран тушириш, дўл ёғинининг, ёғингарчиликларнинг, сел келишининг олдини олиш);

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 январда эълон қилинган.

гидрометеорологик ҳодисалар — атмосферада, ер юзасида ва ундаги объектларда, ер усти сувларида рўй берадиган, гидрометеорологик шароитларни тавсифлайдиган жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари (атмосфера босими, шамол, намлик, ҳаво ва сув ҳарорати, сув сатҳи ва сарфи, тошқинлар, селлар, аёзлар);

гидрометеорология фаолияти — метеорология, гидрология, гляциология, иқлимшунослик, агрометеорология, аэрология, авиация метеорологияси, атроф табиий муҳит ифлосланишининг мониторинги ва гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш соҳасидаги гидрометеорологик ахборотни тайёрлаш (кузатиш, йиғиш, унга ишлов бериш, уни таҳлил қилиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш), шунингдек уни тарқатиш жараёни;

ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборот — фойдаланувчининг талабларига мувофиқ тайёрланган ҳамда ишлов бериш, таҳлил қилиш, сақлаш ва тақдим этиш учун қўшимча ишлар ҳамда харажатлар талаб қилинадиган гидрометеорологик ахборот;

муҳофаза зонаси — гидрометеорологик станциялар ва постлар атрофида уларнинг ҳудуди чегарасидан икки юз метр масофада жойлашган, ёпиқ чизиқ билан чегараланган ер участкаси ёки сув акваторияси;

тезкор гидрометеорологик ахборот — аҳолининг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид солиши, шунингдек атроф табиий муҳитга, иқтисодиёт тармоқларига ва ижтимоий соҳага зарар етказиши мумкин бўлган хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисидаги зудлик билан тақдим этиладиган гидрометеорологик ахборот;

умумий гидрометеорологик ахборот — жамоатчилик фойдаланиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, юридик ва жисмоний шахсларга тақдим этиладиган гидрометеорологик ахборот.

4-модда. Гидрометеорология фаолиятининг асосий принциплари

Гидрометеорология фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

глобаллик, тизимлилик ва узлуксизлик;

гидрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланишининг мониторинги натижасида олинган маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тарқатиш усулларининг бирлиги ва қиёсийлиги;

гидрометеорологик ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ундан фойдалана олиш;

очиқлик ва хавфсизлик.

5-модда. Гидрометеорология фаолиятининг глобаллиги, тизимлиги ва узлуксизлиги принципи

Гидрометеорология фаолиятининг глобаллиги, тизимлиги ва узлуксизлиги принципи атмосфера, гидросфера ҳамда тупроқнинг ўзаро боғлиқ-

лик шартларини тавсифловчи гидрометеорологик ходисаларни комплекс ўрганишдан иборатдир.

Гидрометеорология фаолиятининг глобаллиги, тизимлилиги ва узлуксизлиги принципи гидрометеорологик ходисаларнинг доимий мониторингини ўтказиш ҳамда гидрометеорологик кузатувлар маълумотлари фондини узлуксиз равишда шакллантириб бориш йўли билан таъминланади.

6-модда. Гидрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланишининг мониторинги натижасида олинган маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва тарқатиш усуллариининг бирлиги ва қиёсийлиги принципи

Гидрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланишининг мониторинги натижасида олинган маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва тарқатиш усуллариининг бирлиги ва қиёсийлиги принципи ўлчов воситаларини стандартлаштириш ҳамда метрологик назорат талабларига риоя этишдан, гидрометеорологик кузатувлар маълумотларини йиғишга, уларга ишлов беришга ва уларни таҳлил қилишга доир миллий ҳамда халқаро тавсиялар ва қоидаларга асосланган бирхиллаштирилган усуллар ҳамда ёндашувлардан фойдаланишдан иборатдир.

7-модда. Гидрометеорологик ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ундан фойдалана олиш принципи

Гидрометеорологик ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ундан фойдалана олиш принципи қарорлар қабул қилиш учун гидрометеорологик параметрларнинг етарли тўпламидан, ушбу ахборотдан фойдаланиш пайтида унинг қимматини ва долзарблигини сақлаб қолишдан, фойдаланувчи томонидан ахборотни самарали тарзда ўзлаштириш ва тушунишдан иборатдир.

Гидрометеорологик ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ундан фойдалана олиш принципи фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиш учун ушбу ахборотни услубий жиҳатдан тўғри йиғиш, унга ишлов бериш, уни таҳлил қилиш ва ўзгартириш ҳисобидан таъминланади.

8-модда. Гидрометеорология фаолиятининг очиқлиги ва уни амалга ошириш хавфсизлиги принципи

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлган очиқ ахборот ресурсларини шакллантиради ва улардан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда фойдаланилишини таъминлайди.

Гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш хавфсизлиги техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига оғишмай риоя этиш йўли билан таъминланади.

9-модда. Гидрометеорология фаолиятининг объектлари

Атмосфера, гидросфера, тупроқ, шунингдек атроф табиий муҳитни

ифлослантирувчи компонентлар гидрометеорология фаолиятининг объектларидир.

10-модда. Гидрометеорология фаолиятининг субъектлари

Гидрометеорология фаолиятининг субъектлари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; ўлчов воситаларининг метрологик аттестациясига оид махсус сертификат асосида гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва давлат бошқаруви органларининг таркибий бўлинмалари;

ўлчов воситаларининг метрологик аттестациясига оид махсус сертификат асосида гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар;

гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар;

гидрометеорология соҳасидаги илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотлари.

Гидрометеорология фаолиятининг субъектлари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизматининг миллий тизимини ташкил этади.

2-боб. Гидрометеорология фаолияти соҳасини тартибга солиш

11-модда. Гидрометеорология фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Гидрометеорология фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш шартлари ва тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик тизимларини ишлаб чиқиш;

гидрометеорологик кузатувлар ва ўлчовларнинг ягона давлат тизимини шакллантириш, такомиллаштириш ҳамда унинг ишлашини таъминлаш;

давлат бошқаруви органларини, шунингдек аҳолини атроф табиий муҳитнинг амалдаги ва прогноз қилинаётган ҳолати, ифлосланиши тўғрисидаги ахборот, шу жумладан тезкор ахборот билан таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, юридик шахсларнинг гидрометеорологияга оид ишларни бажаришга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

инновация ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

гидрометеорология, иқлим ўзгариши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши соҳасида илмий фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг гидрометеорология фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
гидрометеорология фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
гидрометеорология фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;
гидрометеорология фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;
давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг гидрометеорология соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;
гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Гидрометеорология фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази гидрометеорология фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

гидрометеорология фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

гидрометеорология фаолияти соҳасидаги давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

гидрометеорология фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

кузатувлар олиб боради, гидрометеорологик ахборотни йиғади, унга ишлов беради, уни таҳлил қилади, сақлайди ва ундан фойдаланади;

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорологик ахборот давлат фондининг шакллантирилишини, тўлдирилишини, сақланишини ва ундан фойдаланилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, юридик ва жисмоний шахсларни кузатиб борилаётган ҳамда кутилаётган гидрометеорологик шароитлар, иқлим ўзгариши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражаси тўғрисидаги ахборот билан, шу жумладан тезкор гидрометеорологик ахборот билан таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

гидрометеорологик кузатувларнинг давлат тизими ривожлантирилиши ва такомиллаштирилишини, гидрометеорологик тармоқнинг модернизация қилинишини таъминлайди;

фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимига кирази ҳамда фавқулудда вазиятларда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулудда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширади;

гидрометеорология, иқлим ўзгариши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши соҳасида илмий фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиши;

ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти объектларидан олишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жойлашган атроф табиий муҳитнинг барча объектларида ифлослантирувчи моддалар мавжудлиги даражасининг узоқ муддатли тизимли кузатуви тарзидаги фон мониторингини амалга оширади;

гидрометеорологик ахборот тайёрлаш ҳамда атроф табиий муҳит ҳолати ва ифлосланишининг мониторинги халқаро тизимларини мувофиқлаштириши ва интеграция қилади;

гидрометеорология фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

гидрометеорология фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Давлат бошқаруви органларининг гидрометеорология фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқаруви органлари гидрометеорология фаолияти соҳасида ўз ваколатлари доирасида:

тармоқ аҳамиятига эга бўлган гидрометеорология фаолиятининг амалга оширилишини ташкил этади ва ушбу фаолиятни мувофиқлаштиради;

ўз тасарруфидаги гидрометеорологик станциялар ва постлар ишини қонунчиликка мувофиқ таъминлайди.

Давлат бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг гидрометеорология фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари гидрометеорология фаолияти соҳасида ўз ваколатлари доирасида:

ҳудудий аҳамиятга эга бўлган гидрометеорология фаолиятининг амалга оширилишини ташкил этади ва ушбу фаолиятни мувофиқлаштиради;

гидрометеорология фаолияти соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳудудий дастурларни молиялаштиради ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиради, шу жумладан ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини

ҳамда гидрометеорология фаолиятини молиялаштириш соҳасидаги давлат органларининг ҳудудий бошқармаларини ушбу дастурларни бажаришга жалб этишни амалга оширади;

давлат гидрометеорологик кузатувлар тармоғини ва атроф табиий муҳит ифлосланишининг мониторингини ташкил этиш учун ер участкаларини ажратади;

махсус ваколатли давлат органига гидрометеорология фаолиятини амалга оширишда ҳамда хавфли гидрометеорологик ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига ва ижтимоий соҳага салбий таъсирини юмшатишда кўмаклашади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16-модда. Юридик шахслар томонидан гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш

Юридик шахслар гидрометеорология фаолиятини гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

Юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган гидрометеорология фаолияти гидрометеорология фаолиятининг асосий принципларига мос бўлиши керак.

Гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ махсус ваколатли давлат органи билан шартнома асосида ахборот алмашиши мумкин.

Юридик шахсларнинг гидрометеорология фаолияти махсус ваколатли давлат органи томонидан мувофиқлаштирилади.

3-боб. Гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар ҳамда ундан фойдаланувчилар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17-модда. Гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар ҳамда ундан фойдаланувчилар

Гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар қуйидагилардан иборат: махсус ваколатли давлат органи;

гидрометеорология соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари;

гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи, гидрометеорологик кузатувларнинг идоравий тармоғига эга бўлган юридик шахслар.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар гидрометеорологик ахборотдан фойдаланувчилардир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ гидрометеорологик ахборот чет эл юридик ва жисмоний шахсларига тақдим этилиши мумкин.

18-модда. Гидрометеорологик ахборотни тайёрловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз фаолиятини гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга ошириш;

ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборотни қатъий белгиланган ҳақ эвазига тақдим этиш;

гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслардан гидрометеорологик ахборотни олиш;

гидрометеорология соҳасидаги илмий маҳсулотга ва бошқа маҳсулотга доир муаллифлик ҳуқуқларини ҳамда турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;

ахборотни олиш шартлари фойдаланувчи томонидан бузилган тақдирда гидрометеорологик ахборотни фойдаланувчига тақдим этишни рад этиш.

Гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар:

норматив ҳужжатлар, шу жумладан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ гидрометеорологик ҳодисалар ва жараёнларнинг кузатувларини амалга ошириши;

гидрометеорологик ахборотни тайёрлаш ва тақдим этиш тўғрисидаги шартнома шартларига риоя этиши;

бажарилган гидрометеорологияга оид ишларнинг ҳисобини юритиши ва белгиланган тартибда ахборот тақдим этиши;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга тўлик, ишончли ҳамда фойдалана олинадиган гидрометеорологик ахборотни тақдим этиши;

хавфли гидрометеорологик ҳодисаларнинг, табиий офатларнинг, атроф табиий муҳит ифлосланишининг ривожланиши таҳдидининг олдини олиш учун кузатувлар натижаларини махсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт.

Гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

19-модда. Гидрометеорологик ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Гидрометеорологик ахборотдан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ гидрометеорологик ахборотни олиш;

гидрометеорологик ахборотни тайёрловчини танлаш;

гидрометеорологик ахборотни олишни рад этиш ҳамда ушбу ахборотни тайёрловчи билан тузилган шартномани норматив ҳужжатлар, шу жумладан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилган ва шартнома шартларига риоя этилмаган тақдирда бекор қилиш.

Гидрометеорологик ахборотдан фойдаланувчилар гидрометеорологик

ахборотни тайёрловчилар фаолиятининг технологик жараёнларига аралашшиш ҳуқуқига эга эмас.

Гидрометеорологик ахборотдан фойдаланувчилар:

ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборотдан белгиланган мақсадга ва ушбу ахборотни муҳофаза қилиш режимига мувофиқ фойдаланиши;

гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар билан тузилган шартномалар шартларига риоя этиши шарт.

Гидрометеорологик ахборотдан фойдаланувчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Гидрометеорология фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг Гидрометеорологик ахборот давлат фонди

Давлат гидрометеорологик кузатувлар тармоғидан олинган барча маълумотлар махсус ваколатли давлат органи тасарруфидаги Ўзбекистон Республикасининг Гидрометеорологик ахборот давлат фондиди ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Гидрометеорологик ахборот давлат фонди ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фондига киради ва архив иши тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ сақланади.

21-модда. Гидрометеорологик ахборотни тақдим этиш тартиби ва шартлари

Гидрометеорологик ахборот ундан фойдаланувчиларга гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади.

Расмий огоҳлантиришлар, прогнозлар ва аҳолининг турмуш фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, эҳтимолий зарарнинг олдини олиш билан боғлиқ бошқа гидрометеорологик ахборот гидрометеорологик ахборотдан фойдаланувчиларга фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим этилади.

Умумий гидрометеорологик ва ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборот вазирликларга, давлат кўмиталарига ва идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзаро маълумотлар алмашиш тўғрисидаги қўшма дастурлар (келишувлар) асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим этилади.

Умумий гидрометеорологик ва тезкор гидрометеорологик ахборот ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилмаган гидрометеорологик ахборотдан фойдаланувчиларга махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига ва Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар порталига жойлаштириш йўли билан тақдим этилади.

Ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборот ундан фойдаланувчиларга шартнома асосида тақдим этилади.

22-модда. Ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборотни тақдим этиш ва гидрометеорология фаолияти соҳасида бошқа хизматлар кўрсатиш

Махсус ваколатли давлат органи томонидан ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборотни тақдим этиш ва гидрометеорология фаолияти соҳасида бошқа хизматлар кўрсатиш таҳлилий материалларни тайёрлаш, лаборатория ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича тегишли гидрометеорологик ахборотдан олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг сўрови асосида бепул фойдаланишга, башарти Ўзбекистон Республикасининг Гидрометеорологик ахборот давлат фонди материаллари билан мустақил равишда ишланса, руҳсат берилади.

Ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборот давлат ҳокимияти органларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига, прокуратура органларига, судларга, шунингдек гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш бўйича фаолият олиб борувчи Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигига сўров бўйича бепул тақдим этилади.

23-модда. Давлат гидрометеорологик қузатувлар тармоғини муҳофаза қилиш

Ер участкаларини уларда махсус ваколатли давлат органининг гидрометеорологик станциялари ва постларини жойлаштириш учун ажратиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Гидрометеорологик ахборотнинг узлуксизлигини, тўлиқлигини, ишончлилигини ва фойдалана олиншини таъминлаш мақсадида гидрометеорологик станциялар ҳамда постлар ҳудудларининг чегараларида табиий шароитларнинг сақланишини таъминлайдиган муҳофаза зоналари белгиланади.

Гидрометеорологик станциялар ва постларнинг муҳофаза зоналари доирасида жойлашган ер участкаларидан ҳамда сув акваторияларидан муҳофаза зоналарида ишларни бажариш қоидаларига мувофиқ фойдаланилади.

Гидрометеорологик станциялар ва постларнинг муҳофаза зоналари доирасида жойлашган ер участкаларидан ҳамда сув акваторияларидан фойдаланувчиларнинг мазкур ер участкаларидан ҳамда сув акваторияларидан фойдаланиши муҳофаза зоналарида ишларни бажариш қоидаларига мувофиқ чекланиши мумкин.

Гидрометеорологик станциялар ва постларнинг муҳофаза зоналарида қуйидагилар тақиқланади:

давлат гидрометеорологик қузатувлар тармоғининг бут сақланиши ва ундан фойдаланиш таъминланмайдиган ишларни махсус ваколатли давлат органининг розилигисиз амалга ошириш;

гидрометеорологик ахборотнинг ишончлилигида акс этиши мумкин бўлган хўжалик фаолиятини юритиш, объектларни қуриш, бошқа ишларни амалга ошириш.

Гидрометеорологик қузатувлар таянч пунктларининг (гидрометеороло-

гик станциялар ва постларнинг) ер участкалари олиб қўйилмайди ҳамда уларни бошқа жойга кўчириш тақиқланади.

Гидрометеорология фаолиятида фойдаланиладиган давлат мол-мулки хусусийлаштирилмайди.

Давлат гидрометеорологик кузатувлар тармоғининг фаолияти халқаро стандартларга ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

24-модда. Гидрометеорология фаолиятини молиялаштириш

Гидрометеорология фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

25-модда. Гидрометеорология фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикасининг Миллий гидрометеорология хизмати халқаро гидрометеорология тармоғининг ажралмас қисмидир.

Гидрометеорология фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ягона халқаро гидрометеорологик кузатувлар тармоқларини шакллантиришга ва ривожлантиришга, атроф табиий муҳитнинг ҳолати ҳамда унинг ифлосланиши устидан назоратни амалга оширишга, ахборот алмашишга кўмаклашади.

Махсус ваколатли давлат органи халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг гидрометеорология хизматлари билан ҳамкорлик қилиш чоғида гидрометеорология фаолияти билан боғлиқ масалаларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалайди ҳамда ҳимоя қилади, шунингдек гидрометеорология фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг гидрометеорология фаолиятини мувофиқлаштиради.

Махсус ваколатли давлат органининг гидрометеорология фаолияти масалалари бўйича халқаро ҳамкорликда иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва қонунчилигида белгиланади.

26-модда. Низоларни ҳал этиш

Гидрометеорология фаолияти соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

27-модда. Гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

29-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 январь,
ЎРҚ-745-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

4 Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳалари- рини янада ривожлантириш учун қўшимча шароит- лар яратиш тўғрисида*

Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт йўналишларида инфратузилма-ни жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бош-қаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6199-сон Фармони ҳамда 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм ва спорт вазирли-ги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-5054-сон қарорига мувофиқ:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчи-ларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида беш кеча тунаб қолган тақдирда, 10 АҚШ доллари, киш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса 25 АҚШ долла-ри миқдорида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 майдан бошлаб ёшларнинг тадбиркор-лик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан Ту-ризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳар бир ташаббускорга 50 млн сўм миқдорида, жами 10 млрд сўмгача грантлар ажратилади. Бунда:

грант маблағлари онлайн тўловларни қабул қилувчи замонавий веб-сайт яратишга, хорижий мамлакатлардаги туризм кўрғазма ва ярмаркаларида иштирок этишга йўналтирилади;

грант маблағлари белгиланган тартибда хорижий мамлакатлардан Ўзбе-кистон Республикасига уч йил давомида камида 200 нафар хорижий турист-лар учун тур ташкил қилиш шarti билан ажратилади.

Бош вазир ўринбосари А.А. Абдухакимов 2022 йил 1 мартга қадар ёш тадбиркорларга грант ажратиш тартибини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги «Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5232-сон қарорига мувофиқ, Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий молиявий манбаи

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 15 январда эълон қилинган.

ҳисобланган туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш 2021 йил 1 сентябрдан тўхтатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йил 1 февралдан 2023 йил 1 январга қадар Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ҳар ойда 2,5 млрд сўм миқдоридаги қўшимча трансфертлар Давлат бюджетидан ажратилишини таъминлансин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдухакимов):

а) мазкур Фармоннинг 3-бандига мувофиқ ажратилаётган маблағларни Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибида белгиланган мақсадлар, шу жумладан ҳудудлардаги салоҳиятли туризм объекти ва масканларини бирламчи чораларни кўрган ҳолда туристлар ташрифи учун тайёрлаш ва уларни тарғиб қилиш, хорижий туризм ва спорт ярмаркаларида, кўргазмаларда, лойиҳалар ва дастурларда қатнашиш, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирсин ҳамда улардан тўғри ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Бунда, Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини қўшимча рағбатлантириш улар фаолиятининг натижадорлиги (КРІ) ва эришилган ютуқларга қараб амалга оширилади;

б) Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида ҳар чоракда Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этиб борсин.

Туризм ва спорт вазири ўринбосари З.О. Казаков Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш юзасидан шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин;

в) Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 15 январь,
ПФ-52-сон

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

5 Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига мувофиқ:

1. Кўзи ожиз, кўришда нуқсони бўлган ва босма ахборотни идрок этишда бошқа жиҳатдан қобилияти чекланган шахсларнинг нашр этилган асарлардан фойдаланишини енгиллаштириш тўғрисидаги Марокаш шартномасига (2013 йил 27 июнь, Марокаш) қўшилисин.

2. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги мазкур халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро шартномага қўшилиши ҳамда уни амалга ошириш учун масъул ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдиришномани депозитарийга юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Марокаш шартномасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқласин;

тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари билан биргаликда ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 январь,
ПҚ-80-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**6 Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, бир қатор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ISO 37001:2016 халқаро стандартига асосан коррупцияга қарши менежмент тизими жорий этилиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш механизмлари мавжуд эмаслиги соҳада амалга оширилаётган тадбирларга ягона мезон асосида ҳолисона баҳо бериш ва уларнинг натижадорлигини янада оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига оид самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ва уларни илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура ва Адлия вазирлигининг давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда — рейтинг баҳолаш) қуйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилади:

давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомил-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 январда эълон қилинган.

лардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кеси-мида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тар-ғибот тадбирларининг самарадорлиги.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2022 йил 1 февралдан бошлаб рейтинг баҳолаш тизими, эксперимент тариқасида, 1-иловада* кўрсатилган ва ўз фаолиятида коррупцияга қарши менежмент тизимини жорий этаётган давлат ташкилотлари фаолиятига;

2022 йил 1 июлдан бошлаб эксперимент натижаларини инобатга ол-ган ҳолда рейтинг баҳолаш тизими барча давлат ташкилотлари фаолияти-га жорий этилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш (Т. Нарбаева) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) ва бошқа манфаат-дор идоралар билан биргаликда эксперимент натижаларини чуқур таҳлил қилиш ва муҳокама қилиш ҳамда рейтинг баҳолаш тизимининг самарали ва тўлиқ жорий этилишини таъминлаш бўйича чораларни кўрсин.

3. Белгилансинки:

рейтинг баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан «E-Anticor.uz» электрон платформаси (кейинги ўринларда — электрон платформа) орқали ташкил этилади;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги «яхши», «қони-қарли» ва «қониқарсиз» тоифаларга ажратилади;

рейтинг баҳолаш натижалари электрон платформада ҳисоблаб чиқилади ва ҳар йили 1 мартга қадар кенг жамоатчилик учун оммавий ахборот во-ситаларида эълон қилиб борилади;

ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан баҳоланиш ўтказилаётган йил-нинг 1 январига қадар бўлган давр рейтинг баҳолаш тизими билан қамраб олинади;

рейтинг баҳолаш натижаларининг ҳолислигини текшириш мақсадида камида 30 фонзи фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат бўлган Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи шакллантирилади.

4. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш (Т. Нарбаева) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) билан биргаликда рейтинг баҳолаш якунларига кўра қуйидаги чораларни кўрсин:

«яхши» деб баҳоланган давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ижобий тажрибасини оммалаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

«қониқарли» деб баҳоланган давлат ташкилотларига уларнинг корруп-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

цияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар киритиш ва уларни амалга оширишда кўмаклашиш;

«қоникқарсиз» деб баҳоланган давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқирилишини таъминлаб, унинг ижроси юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг йиғилишларида эшитиш.

5. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда:

икки ой муддатда электрон платформа орқали зарур ҳужжатларни онлайн режимда олиш ва рейтинг баҳолаш натижаларини ҳисоблаш имконини яратган ҳолда, унинг тўлиқ ишга туширилишини таъминласин;

эксперимент якунига кўра электрон платформани такомиллаштириш ва модернизация қилиш ҳамда унинг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш чораларини кўриб борсин.

Белгилаб қўйилсинки, электрон платформани такомиллаштириш ва модернизация қилиш, уни техник ва дастурий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар ҳар йили Агентликка Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

6. Агентлик (А. Бурханов) халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда:

икки ой муддатда Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг тартиби ишлаб чиқилиб, тасдиқланишини таъминласин;

уч ой муддатда рейтинг баҳолаш, электрон платформадан фойдаланиш тартиби бўйича қўлланмаларни тайёрласин, шунингдек, давлат ташкилотлари ходимлари учун рейтинг баҳолаш, шу жумладан электрон платформадан фойдаланиш тартибини тушунтириш бўйича мунтазам равишда семинарларни ташкил этиб борсин;

2022 йил 1 июлга қадар ҳар бир индикатор бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари ва аниқ мезонларини белгиловчи рейтинг баҳолаш услубиётини тасдиқласин;

мунтазам равишда давлат ташкилотларига коррупцияга қарши курашишга оид тегишли ички идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) мазкур қарор ҳамда рейтинг баҳолаш натижалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э. Бурханов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар

фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши раиси Т.К. Нарбаева ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 январь,
ПҚ-81-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 12 январдаги
ПҚ-81-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Коррупцияга қарши курашиш ишларининг
самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари)да коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда — рейтинг баҳолаш) тартибини белгилайди.

2. Рейтинг баҳолаш давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб бораётган фаолияти самарадорлигини пухта таҳлил қилиш, баҳолаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилади.

3. Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизими ва коррупциянинг олдини олиш бўйича бошқа халқаро стандартларнинг самарали жорий этилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ қилинганлиги рейтинг баҳолашнинг объекти ҳисобланади.

4. Рейтинг баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан ташкил этилади.

2-боб. Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикаторлари

5. Рейтинг баҳолаш алоҳида индикаторлардан ташкил топган қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

биринчи йўналиш — давлат ташкилотларида коррупцияга қарши ку-

рашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

иккинчи йўналиш — коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

учинчи йўналиш — давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

тўртинчи йўналиш — ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

бешинчи йўналиш — коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

6. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» тоифаларга ажратилади.

Бунда, индикаторларни бажариш орқали:

81 баллдан 100 баллгача тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «яхши»;

55 баллдан 81 баллгача тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «қониқарли»;

55 дан паст балл тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «қониқарсиз» деб топилади.

7. Рейтинг баҳолаш йўналишлари бўйича баллар қуйидагича тақсимланади:

биринчи йўналиш — максимал 35 балл;

иккинчи йўналиш — максимал 30 балл;

учинчи йўналиш — максимал 15 балл;

тўртинчи йўналиш — максимал 15 балл;

бешинчи йўналиш — максимал 5 балл.

8. Яқуний баллар мазкур Низомга 1-иловада* келтирилган Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичларидаги балларни бир-бирига қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

3-боб. Рейтинг баҳолашни амалга ошириш тартиби

9. Рейтинг баҳолаш мазкур Низомга 2-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

10. Агентлик ҳар йили 5 январга қадар «E-Anticor.uz» электрон платформаси (кейинги ўринларда — электрон платформа) орқали рейтинг баҳолашдан ўтказиладиган давлат ташкилотлари рўйхатини тузади ҳамда бу ҳақда уларни ёзма равишда хабардор қилади.

11. Давлат ташкилотлари томонидан ҳар чоракда (10 апрель, 10 июль

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва 10 октябрга қадар) чораклик маълумотлар, ҳар рейтинг баҳолаш йили якунида (10 январдан кечиктирмай) эса йиллик маълумотлар электрон платформа орқали Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари жадвалини тўлдириш йўли билан киритиб борилади.

Бунда, ушбу жадвал саволларга «тўлиқ бажарилган», «асосан бажарилган», «қисман бажарилган» ёки «бажарилмаган» устунларига тегишли белгини киритиш ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни бириктириш орқали тўлдирилади.

12. Агентлик мунтазам равишда давлат ташкилотлари томонидан электрон платформага киритилган маълумотларни таҳлил қилиб боради, коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «қоникарсиз» деб топилиши мумкин бўлган давлат ташкилотларига услубий ёрдам кўрсатади.

13. Давлат ташкилотлари ҳар йили Агентликнинг хатини олгандан сўнг, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ муддатларда электрон платформа орқали зарур маълумотларни киритади.

Бунда, тизимга давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотларни киритиш тақиқланади.

14. Йиллик маълумотлар киритилгандан сўнг Агентлик ҳар йили:

1 февралга қадар танлов асосида тегишли давлат ташкилоти томонидан киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий-ахборот коммуникация воситаларини (видеоконференцалоқа, онлайн сўровнома ва шу кабилар) қўллаган ҳолда масофавий ўрганади. Бунда:

маълумотларнинг ҳаққонийлиги замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиладиган давлат ташкилотлари сони фаолияти баҳоланаётган давлат ташкилотларининг камида 15 фоизини ташкил этиши лозим;

маълумотларнинг ҳаққонийлиги замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиладиган давлат ташкилотлари рўйхати Агентлик томонидан, киритган маълумотлари шубҳали, нотўғри бўлган давлат ташкилотлари орасидан, мустақил равишда шакллантирилади.

15. Маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиш жараёнида нотўғри ёки сохта маълумотлар киритилганлиги аниқланган тақдирда, Агентликнинг ўзи электрон тизимга киритилган маълумотларни мустақил равишда ўзгартиради ва бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашига маълумот беради.

16. Рейтинг баҳолаш натижалари электрон платформа орқали ҳисоблаб чиқилади. Автоматик равишда ҳисоблаб чиқилиши назарда тутилмаган индикаторлар бўйича баллар Агентлик томонидан ҳисобланади.

4-боб. Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тартиби

17. Рейтинг баҳолаш натижаларининг холислигини таъминлаш мақса-

дида ҳар йили 9 кишидан иборат бўлган Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи (кейинги ўринларда — Экспертлар гуруҳи) шакллантирилади.

Экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан экспертларни танлаб олиш мезонлари, уларнинг мажбуриятлари ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларини назарда тутувчи тартиб Агентлик томонидан белгиланади.

18. Экспертлар гуруҳи таркиби Агентлик томонидан давлат ташкилотлари таклифларига асосан шакллантирилади.

Экспертлар гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, коррупцияга қарши курашиш бўйича экспертлар, шу жумладан амалий тажриба ва жамиятда юқори обрўга эга бўлган бошқа шахслар киритилади.

Бунда, Экспертлар гуруҳи таркибида камида 3 киши фуқаролик жамияти институтлари вакилларида бўлиши лозим.

19. Экспертлар гуруҳи Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади.

Бунда, Агентлик томонидан ушбу гуруҳга дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари ва тегишли хулосалар тақдим этилади. Экспертлар гуруҳи сўровига кўра, бошқа қўшимча материаллар тақдим этилиши, электрон платформага уланиш имконияти яратилиши мумкин.

20. Экспертлар гуруҳи ҳар йили 15 февралга қадар дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш бўйича қуйидагилардан бирини Агентликка тақдим этади:

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақида хулоса;

муқобил рейтинг баҳолаш натижалари.

Бунда, хулоса ва муқобил рейтинг баҳолаш натижаси Экспертлар гуруҳида овоз бериш натижаларига кўра шакллантириладиган фикр сифатида тақдим этилади. Овозлар тенг бўлиб қолганда гуруҳ раҳбарининг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

21. Экспертлар гуруҳида қабул қилинган қарорга қўшилмаган гуруҳ аъзоси ўз фикрини алоҳида билдириш ҳуқуқига эга.

22. Агентлик Экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган хулоса ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаларини ҳар йили 20 февралга қадар пухта таҳлил қилади, унга кўра якуний баҳолаш натижаларини шакллантиради ва баҳоланаётган давлат ташкилотларига тақдим қилади.

23. Давлат ташкилотлари ҳар йили 25 февралга қадар Агентлик томонидан юборилган якуний рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади ҳамда зарурат бўлганда ўз таклиф ва эътирозларини Агентликка тақдим қилади.

24. Агентлик давлат ташкилотлари томонидан тақдим этилган таклиф ва эътирозларни пухта таҳлил қилади ва ҳар йили 1 мартга қадар рейтинг баҳолашни ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик ҳақида қарор қабул қилади.

25. Агентлик рейтинг баҳолаш якунларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» бўлган дав-

лат ташкилотлари рўйхатини ҳар йили 1 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга киритади ҳамда ўз расмий-веб сайтыда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

5-боб. Рейтинг баҳолаш яқунлари бўйича амалга ошириладиган тадбирлар

26. Агентлик томонидан рейтинг баҳолаш яқунлари бўйича коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «яхши» деб топилган давлат ташкилотларининг ижобий иш тажрибасини бошқа давлат ташкилотларида оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Агентлик томонидан «яхши» деб баҳоланган давлат ташкилотларига уларнинг коррупцияга қарши курашишга масъул таркибий бўлинмалари ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиб борилади.

27. Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «қониқарли» деб топилган давлат ташкилотларига самарадорликни янада ошириш бўйича Агентлик томонидан ҳар йили 15 мартга қадар тавсиялар киритилади.

Давлат ташкилотлари киритилган тавсияларнинг бажарилиш ҳолати тўғрисидаги ахборотни Агентлик белгиллаган муддатларда электрон платформага киритиб бориши лозим.

28. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «қониқарсиз» деб топилган давлат ташкилотлари ҳар йили 20 мартга қадар коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиши ва уни Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқлаши лозим.

29. Кетма-кет икки йил давомида коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «қониқарсиз» деб топилган давлат ташкилотлари раҳбарларига белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилади.

6-боб. Яқунловчи қоида

30. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

31. Агентлик, зарурат бўлганда, рейтинг баҳолашнинг қўшимча йўналишлари ва индикатор кўрсаткичларини киритиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**7 Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини босқичма-босқич таъминлаш ҳамда Самарқанд давлат университетини илмий-технологик ва ижтимоий ривожлантириш, рақобатбардош илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш, флагман олий таълим муассасаси даражасига олиб чиқиш мақсадида:

1. Самарқанд давлат университетига атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов номи берилсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида (кейинги ўринларда — Университет) Трансформация офисини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Трансформация офиси қўйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда 2026 йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университет фаолиятини рақамлаштириш ҳамда таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали тарғибот тадбирларини ўтказиш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳбари лавозими бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

3. Қўйидагилар:

2022 — 2025 йилларда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага** мувофиқ;

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини 2025 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага** мувофиқ;

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети мутахассислик кафедраларини илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари ва ташкилотларига бириктириш жадвали 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Университет таркибида қўйидагилар ташкил этилсин:

агрономия, биотехнология ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларида кадр-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 январда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар тайёрловчи Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти (кейинги ўринларда — Агробиотехнологиялар институти);

муҳандислик, автоматика, мехатроника, робототехника, рақамли электроника, электротехника, машинасозлик, материалшунослик ва янги материаллар технологияси соҳаларида кадрлар тайёрловчи Муҳандислик физикаси институти (кейинги ўринларда — Муҳандислик институти);

педагогика, ахборот технологиялари ва ҳудудда кадрларга эҳтиёж юқори бўлган бошқа соҳаларда кадрлар тайёрловчи Университетнинг Ургут филиали (кейинги ўринларда — Филиал).

5. Қўйидагилар Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиалнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

меҳнат бозорида рақобатбардош, амалий кўникмаларни эгаллаган олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, таълим жараёнига илғор педагогик ва масофавий таълим технологияларини, илм-фан ва техниканинг янги ютуқларини жорий этиш;

ўқув режаларини тегишли соҳаларнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларининг замонавий моддий-техника базасини яратиш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш ташкилотларининг муаммоларини ечишга қаратилган илмий, амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш;

таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш, республика ҳамда етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

талабаларга таълим олиш ва илмий фаолият билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиш ҳамда чет эл фуқаролари учун таълим олиш имкониятини кенгайтириш;

илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш, жумладан профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиалда таълим фаолияти 2022/2023 ўқув йилидан бошланади ҳамда ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида олиб борилади;

Университетнинг агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таълим олаётган талабалар ўқишини Агробиотехнологиялар институтида давом эттиради;

Университетнинг физика ва математика факультетлари таркибидаги

амалий бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таълим олаётган талабалар ўқишини Муҳандислик институтида давом эттиради;

Филиал Ургут туманидаги умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларига илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институтининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби Молия вазирлиги Газначилигида очилган Университетнинг шахсий газна ҳисобварақларида юритилади, Филиал эса Молия вазирлигининг Газначилигида шахсий газна ҳисобварақларига эга бўлади;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал директори, директор ўринбосари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича тегишли равишда олий таълим муассасаси филиали директори ва филиал директори ўринбосарига, бошқа ходимлар эса олий таълим муассасалари ходимларига тенглаштирилади;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан бино ва иншоотларни таъмирлаш ва жиҳозлаш — Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) Университет билан биргаликда:

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал тузилмаси ҳамда штат жадвали нормативларга мувофиқ тасдиқланишини таъминласин;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиални танлов асосида амалий тажриба ва (ёки) илмий даражага эга бўлган мутахассислардан иборат юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни жалб этсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиални юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш ҳамда онлайн маъруза ўтказиш ва масофавий таълим технологияларини жорий этиш учун зарур телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

в) Фанлар академияси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

Агробиотехнологиялар институти талабаларининг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида дарс жараёнларига соҳа мутахассислари ва олимлари, битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш учун илмий ташкилот-

лар мутахассисларини жалб этиш, зарур ҳолларда амалий дарсларни ишлаб чиқариш ва дала шароитларида олиб бориш чораларини кўрсин;

Агробиотехнологиялар институти талабаларининг танишув ва малакавий амалиётларини замонавий технологиялар билан жиҳозланган агрокластерлар, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ташкилотларида ташкил этсин;

Агробиотехнологиялар институти талаба ва профессор-ўқитувчиларига илмий-тадқиқот институтлари ҳамда етакчи ташкилотларнинг лабораторияларидан фойдаланишлари учун зарур шароит яратсин;

г) «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан ҳамкорликда:

Муҳандислик институти талабаларининг танишув ва малакавий амалиётларини саноат корхоналарида ташкил этиш чораларини кўрсин;

Муҳандислик институтига илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, кичик бизнес ва саноат корхоналари учун инновацион мини-технологиялар ишлаб чиқиш йўналишларида қўмақ бериб борсин.

8. Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йилги инвестиция дастурига киритиш учун Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини соҳага ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклифлар тақдим этиб борсин.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Агробиотехнологиялар институтини Самарқанд тумани, Гулобод қўрғонидаги Университет ҳузуридаги Гулобод агротехнологиялар техникумининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш;

Муҳандислик институтини Самарқанд шаҳри, Хишрав қўрғонидаги Университет ҳузуридаги Ядро физикаси лабораторияси худудининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида вақтинча жойлаштириш;

Филиалга Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Вагашти маҳалласида жойлашган Ургут иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва

шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 январь,
ПҚ–82-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**8 Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг
қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари турларини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд ҳавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда балиқчилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг Жиззах вилояти, Шароф Рашидов туманида ташкил этилган балиқчилик кластерининг аҳоли хонадонлари билан кооперация асосида ишлаш тажрибасини (кейинги ўринларда — кооперация) ҳар бир вилоятда жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, кооперация асосида хонадонларда балиқ етиштириш қўйидаги тартибда амалга оширилиши белгилансин:

балиқчилик хўжаликлари хонадон эгаларини балиқ етиштириш бўйича ўқитишни ташкил этади, уларга балиқ етиштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, балиқ чавоқлари, омукта ем, минерал ўғитларни етказиб беради ҳамда улар томонидан етиштирилган балиқни келишилган нархларда сотиб олади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 январда эълон қилинган.

хонадон эгалари ўз хонадонларида балиқчилик хўжаликлари томонидан етказиб берилган маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда интенсив усулда етиштирилган балиқларни келишилган нархларда уларга сотади.

2. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимларининг ёрдамчилари хонадон эгалари билан ҳамкорликда кооперация асосида хонадонларда балиқ етиштириш бўйича ташаббускор балиқчилик хўжаликларининг рўйхатини шакллантирсин ҳамда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда лойиҳаларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

3. Белгилансинки:

2022 йил 1 февралдан бошлаб жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадонидан балиқ етиштиришни йўлга қўйишга рухсат берилади;

2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар балиқчиликни интенсивлаштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва технологиялар (аэратор, бассейн, автокормушка, УЗВ) ҳамда қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 80 фоизидан ортигини ушбу ускуналарни ишлаб чиқаришдан оладиган субъектлар учун фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади;

балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига ер солиғи ва мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдоридан белгиланади.

4. Қўйидагилар:

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда балиқ етиштириш прогноз параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

2022 йилда сунъий (экстенсив) сув хавзаларини интенсивлаштириш ва балиқ овлаш ҳажмлари бўйича прогноз параметрлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг Франция тараққиёт агентлигининг «Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш» лойиҳаси доирасида жалб қилинаётган кредит линияси ҳисобидан 20 миллион евро миқдоридан маблағларни интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. «Ўзбекчорванасл» агентлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва Марказий банкнинг 2022 йил 15 январдан бошлаб «Ҳар бир оила — тадбиркор» давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун ажратиладиган кредитни базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Марказий банк тижорат банклари орқали интенсив усулда аҳоли хо-

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

надонларида балиқ етиштириш лойиҳаларини молиялаштириш учун «Хар бир оила — тадбиркор» давлат дастури доирасида 2022 йилда 200 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда бир марталик субсидия ажратилади;

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо корхоналар томонидан хорижий мамлакатлардан балиқчилик соҳаси эксперт ва мутахассисларини жалб қилиш харажатлари ҳамда уларнинг бир йиллик иш ҳақи миқдорининг 50 фоизигача, бироқ ойига 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасидан қоплаб берилади. Бунда, мазкур харажатлар учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 5 миллиард сўм йўналтирилади.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича балиқчилик хўжалиқларининг масъул ходимлари иштирокида «Ишга марҳамат» мономарказларида ўқув курсларини ташкил этсин.

9. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг тоғ олди ҳудудидан Ўрмон хўжалиги қўмитаси балансида бўлган 5 гектар ер майдонида «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси томонидан совуқ сув балиқларини етиштириш тармоғини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тажриба станцияси лойиҳаси амалга оширилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, ушбу лойиҳани «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда балиқ маҳсулотларини етиштириш, табиий сув ҳавза ресурсларини аниқлаш ва мониторингини юритиш бўйича мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга танловлар асосида маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига «балиқчилик» ихтисослигини киритишни таъминласин.

12. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб балиқчилик соҳаси учун юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш ва тармоқ институтлари илмий салоҳиятини ошириш учун Тошкент давлат аграр универ-

ситети ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти докторантура босқичларига «Балиқчилик» ихтисослиги бўйича ҳар йили 2 тадан ўрин ажратсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда хизмат кўрсатувчи банклар билан келишган ҳолда балиқчилик лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин ҳамда манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари билан биргаликда тасдиқланган манзилли рўйхат параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

14. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш бўйича бир марталик субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда 2025 йил 1 январга қадар кооперация асосида балиқ етиштиришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 90 фоизидан ортиқ қисми балиқ етиштириш ҳисобидан шаклланадиган хўжаликларни солиқларнинг барча турларидан (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ижтимоий солиқ мустасно) озод этишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

б) бир ой муддатда «Айдар-Арнасой» кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин:

«Айдар-Арнасой» кўллар тизимининг Арнасой сув омбори ҳудудида балиқ овлашга бир йил муддатга мораторий эълон қилиш;

хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, «Айдар-Арнасой» кўллар тизимида шўр сувда балиқ захираларини кўпайтириш бўйича лаборатория марказини ташкил этиш;

«Айдар-Арнасой» кўллар тизими дирекцияси» ДУКни қайта ташкил этган ҳолда унинг устав капиталидаги давлат улушини, камида 30 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш, 1 000 та иш ўрнини яратиш ва 2025 йилга бориб йилига 20 минг тонна балиқ овлаш учун балиқ захираларини яратиш шарти билан ишончли бошқарувга бериш.

17. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар

хокимлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б. Норқобилов, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси раиси О. Мусаев — балиқ ҳосилдорлигини ошириш ва аҳоли хонадонларида балиқ етиштиришни кенгайтириш бўйича ишларни «корхонабай» ва «хонадонбай» ташкил этиб, 2022 йилда:

республикада балиқ етиштириш ҳажмини 700 минг тоннага етказиш;
қўшимча камида 10 мингта аҳоли хонадонидида интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш ҳамда янги 15 та балиқчилик кластерини ташкил этиш;

ҳосилдорлиги 25 центнердан паст бўлган 31 минг гектар сунъий сув ҳавзаларида 78 мингта аэратор мосламасини ўрнатиш;

мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ўз муддатида бажарилишига шахсан масъул ҳисобланади.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 январь,
ПҚ-83-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

9 Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5812-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ўрта махсус профессионал таълим босқичида малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, олий ва профессионал таълим муассасаларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5812-сон Фармони 3-бандига мувофиқ 2022/2023 ўқув йили қабулидан бошлаб техникумларда ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-босқичдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

техникумни муваффақиятли тамомлаган шахслар тоифаси (техникумдаги бутун ўқиш даврида ўқув семестрлари якунига кўра ўзлаштириш баҳолари «5 (аъло)» ва «4 (яхши)», бироқ ўзлаштириш баҳоларининг камида 50 фоизи (тиббиёт олий таълим муассасалари учун камида 85 фоизи) «5 (аъло)» бўлган битирувчилар)ни белгилаш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали битирувчиларни онлайн рўйхатдан ўтказиш;

олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан битирувчиларнинг тизимга юкланган ҳужжатларини ўрганиш ва ўрганиш натижалари бўйича битирувчига хабар бериш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 январда эълон қилинган.

олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари) томонидан бакалаврият таълим йўналишлари бўйича 9 нафардан кам бўлмаган таркибда Сухбат комиссиясини тузиш;

битирувчиларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган суҳбат жараёнлари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари ҳамда Сухбат комиссиялари томонидан ташкил этилиши;

талабалikka тавсия этилган битирувчилар рўйхатини олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида эълон қилиш ҳамда уларга тўлов-контракт бланкаларини бериш;

тўлов-контракт шартларини тўлиқ бажарган битирувчиларнинг олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари) томонидан тегишли бакалаврият таълим йўналишининг 2-босқичига талабалikka ўқишга қабул қилиниши.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

уч ой муддатда техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларисиз, якка тартибдаги суҳбат орқали ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишларига қабул қилиш учун уларни онлайн рўйхатдан ўтказиш бўйича Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан электрон тизимни ишлаб чиқсин ва ишга туширсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қотибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 январь,
17-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 11 январдаги 17-сон қарорига
ИЛОВА

**Техникумларни муваффақиятли тамомлаган
битирувчиларни олий таълим муассасаларининг
бакалавриат таълим йўналишларига суҳбат асосида
ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни (кейинги ўринларда — битирувчилар) ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишларига кириш имтиҳонларисиз, якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларининг 2-босқичидан ўқишини давом эттириш учун қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом олий ҳарбий, олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига, Тошкент давлат юридик университетига, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Битирувчилар олий таълим муассасаларининг 2-босқичидан ўқишни давом эттириши мумкин бўлган ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3. Битирувчиларни олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларисиз, якка тартибдаги суҳбат орқали бакалавриат таълим йўналишларининг 2-босқичидан ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Тўлов-контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори бир талабани ўқитиш билан боғлиқ харажатлар миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

4. Техникумни муваффақиятли тамомлаганлар тоифасига техникумдаги бутун ўқиш даврида ўқув семестрлари якунига кўра ўзлаштириш баҳолари «5 (аъло)» ва «4 (яхши)», бироқ ўзлаштириш баҳоларининг камида 50 фоизи (тиббийёт олий таълим муассасалари учун камида 85 фоизи) «5 (аъло)» бўлган битирувчилар киради.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб битирувчиларни олий таълим муассасаси бакалавриат таълим йўналишига кириш имтиҳонларисиз, якка тартибдаги суҳбат орқали қабул қилиш тартиби техникумни тамомлаган йилдан бошлаб икки йил мобайнида татбиқ этилади.

Юқорида қайд этилган тоифага кирмайдиган ҳамда техникумни битирганига икки йилдан ошганлар ўқишга кириш истагини билдирганда, уларни олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Битирувчиларни ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишлари-

га суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

6. Битирувчиларни олий таълим муассасасининг 2-босқичидан ўқишга қабул қилиш учун ҳар йили олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) буйруғи билан қабул комиссияси тузилади.

Олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) қабул комиссиясининг раиси ҳисобланади.

7. Битирувчилар ҳар йили 5 июлдан 25 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтадилар.

8. Битирувчилар олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича рўйхатдан ўтишида тизимга шахсий маълумотларини киритиши ва қуйидаги ҳужжатларни юклаши талаб этилади:

паспорт ёки ID-карта нусхаси;

техникумни битирганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг нусхаси.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан вазирликнинг расмий веб-сайти орқали битирувчиларни рўйхатдан ўтказиш жараёнлари мувофиқлаштирилиб борилади.

9. Онлайн рўйхатдан ўтган битирувчиларнинг тизимга юкланган ҳужжатлари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан ҳар йили 5 августга қадар ўрганиб чиқилади ва ўрганиш натижалари бўйича абитуриентларнинг шахсий кабинетини орқали уларга хабар берилади.

10. Битирувчилар томонидан топширилган ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланганда, у суҳбатдан (талабаликка қабул қилингандан кейин аниқланса, талабаликдан) четлаштирилади ҳамда ҳужжатлари белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

3-боб. Суҳбат жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш

11. Олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) ҳар йили 10 августга қадар ўз буйруғи билан ҳар бир таълим йўналиши бўйича алоҳида Суҳбат комиссиясини тузади.

Суҳбат комиссияси 9 нафардан кам бўлмаган таркибда тузилади ва унинг таркибига кадрларнинг асосий иш берувчилари бўлган ташкилотлар ва олий таълим муассасаси бўйсунуви бўйича вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимлари, соҳага тааллуқли техникумнинг малакали ўқитувчиси ҳамда бошқа олий таълим муассасасининг тегишли соҳа бўйича профессор-ўқитувчиси киритилади.

12. Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича суҳбат жараёни тўлиқ

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

видеокузатув остида ўтказилади ва жараён ота-оналар, кузатувчилар учун ажратилган алоҳида кутиш жойига овозли тарзда онлайн трансляция қилиб борилади.

Сухбат жараёни тўлиқ ва сифатли видеокузатув остида ўтказилишини ва видеоёзувларнинг камида уч йил олий таълим муассасасида сақланишини таъминлаш масъулияти шахсан олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) зиммасига юклатилади.

13. Битирувчиларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган сухбат жараёни ҳар йили 10 августдан 25 августгача, олий таълим муассасаси томонидан белгиланган муддатда, Сухбат комиссияси таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ўтказилади.

Сухбат ўтказиш муддатлари сухбат жараёнлари бошланишидан камида бир ҳафта олдин олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Сухбат жараёнига жамоатчилик вакиллари ҳам холис кузатувчи сифатида жалб этилиши мумкин.

14. Белгиланган муддатларда сухбатга келмаган битирувчиларга шу ўқув йили учун қайта сухбат ўтказилмайди ва улар олий таълим муассасаси бакалавриат таълим йўналишининг 2-босқичидан ўқишга қабул қилинмайди.

Битирувчи узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарида бўлганлиги ёки оила аъзоларининг вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда) сухбатда иштирок эта олмайдиган бўлса ёки иштирок этмаса, сухбат ўтказилган санадан уч кундан кечикмай олий таълим муассасасида тузилган қабул комиссиясига мурожаат этиши лозим. Мазкур тоифадаги битирувчилар учун сухбат жараёнлари тўлиқ яқунланганидан сўнг бир ҳафта муддат ичида қўшимча сухбат ўтказилади.

15. Сухбат жараёнида битирувчиларнинг ҳар бирига қуйидаги мавзулар бўйича биттадан жами тўртта савол берилади:

мамлакатда ўз соҳасига оид амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш;

бакалавриат таълим йўналишини танлашда мотивация (соҳа касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш кўрсатиш);

шахсий-касбий хусусиятлар (ўқишга қобилият, касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият, интизомлилик, ҳамжиҳатлик, масъулиятлилик, қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси, шахсий ютуқлар мавжудлиги, шунингдек, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятлари);

танланган бакалавриат таълим йўналиши соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги.

Жами тўплаш мумкин бўлган энг юқори балл 100 баллни ташкил этади.

Мазкур саволлар бўйича баҳолаш мезонлари тегишли олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланади ҳамда уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

16. Саволлар олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилиб, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Саволлар мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган мавзуларга мос тузилганлиги бўйича масъулият қабул комиссияси раиси зиммасига юклатилади.

17. Сухбат жараёнида Сухбат комиссиясининг ҳар бир аъзосига ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ намунавий шаклдаги битирувчининг сухбат натижаларини қайд этиш варағи (кейинги ўринларда — сухбат натижаларини қайд этиш варағи) берилади.

Сухбат комиссияси аъзолари томонидан сухбат натижаларини қайд этиш варағига ҳар бир битирувчи билан ўтказилган сухбат натижасига кўра балл белгилаб борилади ва имзоланади.

18. Муайян таълим йўналиши (гуруҳ) бўйича сухбат жараёни якунлангач Сухбат комиссияси аъзолари томонидан тўлдирилган сухбат натижаларини қайд этиш варақларидаги баллар ҳисоблаб чиқилади ва шу асосида ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ намунавий шаклдаги битирувчи билан ўтказилган сухбатнинг якуний натижаларини қайд этиш варағи (кейинги ўринларда — сухбатнинг якуний натижаларини қайд этиш варағи) тўлдирилиб, Сухбат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Сухбат комиссияси томонидан тасдиқланган сухбатнинг якуний натижаларини қайд этиш варағига асосан Сухбат комиссиясининг иштирок этган аъзолари томонидан қўйилган балларнинг ўртачаси 67 балл ва ундан юқори бўлганда абитуриент сухбатдан ўтган ҳисобланади.

Муайян таълим йўналиши (гуруҳ) бўйича ўтказилган сухбат натижаларига кўра сухбатдан ўтганлар рўйхати шу куннинг ўзида абитуриентларга ўқиб эшиттирилади.

19. Олий таълим муассасасида сухбатлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция шикоятлари сухбат натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида олий таълим муассасасида тўғридан-тўғри ёзма шаклда ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали онлайн шаклда қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан мурожаат қилганларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда бир кундан уч кунгача бўлган муддатда видеоёзув асосида кўриб чиқилади.

20. Сухбат натижаларига кўра талабалikka тавсия этилганлар тўғрисидаги маълумотлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан бўйсунуви бўйича вазирлик, идорага тақдим этилади.

21. Сухбат комиссиясининг сухбат натижаларини қайд этиш ҳамда сухбатнинг якуний натижаларини қайд этиш варақлари уч йил олий таълим муассасасида сақланади.

22. Сухбат комиссияси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш олий таълим муассасалари талабаларига ўқув машғулотларини олиб борганлик учун

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

белгиланган соатбай ҳақ тўлаш шартларида олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилиш

23. Сухбат комиссияси томонидан тасдиқланган сухбатнинг якуний натижаларини қайд этиш варағига асосан битирувчилар ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишининг 2-босқичидан ўқишини давом эттириш учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан талабаликка тавсия этилади.

24. Талабаликка тавсия этилганларнинг умумий рўйхати сухбат жараёни тўлиқ яқунлангандан сўнг бир кун муддатда олий таълим муассасасининг веб-сайтида эълон қилинади ва шу кундан бошлаб уларга белгиланган намунадаги тўлов-контракт бланкалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан берилади.

25. Талабаликка тавсия этилганлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Контракт шартлари, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

26. Сухбат комиссияси томонидан тасдиқланган сухбатнинг якуний натижаларини қайд этиш варағига асосан талабаликка тавсия этилганлар белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартлари бажарилгандан сўнг олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан муайян бакалавриат таълим йўналишининг 2-босқичига ўқишга қабул қилинади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****10 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1883-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 22 ноябрдаги 26/6-сон қарори (рўйхат рақами 1883, 2008 йил 23 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 535-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 6 январь,
31/8-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
6 январдаги 31/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий
давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«7. Ваколатхонани аккредитация қилганлик учун тўловлар ундирилмайди.».
3. 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«12. Ваколатхонани аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай Ваколатхонага аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги сертификат берилади.».
4. 13-банд «ваколатхоналарини рўйхатга олиш китобида қайд этилади» деган сўзлардан кейин «ҳамда ушбу ахборот Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг веб-сайтида эълон қилинади» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
5. 17-банднинг «б» кичик банди «паспорти» деган сўздан кейин «(идентификация ID-картаси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
6. 19-банднинг «г» кичик банди «паспорт» деган сўздан кейин «(идентификация ID-картаси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
7. 37-банд «Банкка ва унинг Ваколатхонасига хабар беради» деган сўзлардан кейин «ҳамда ушбу ахборотни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг веб-сайтида эълон қилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

11 Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 34, 27-2017-сон қарори (рўйхат рақами 2995, 2018 йил 5 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 10/18/2995/1020-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Тошкент ш.,
2021 йил 24 декабрь,
46-сон

Б. КУРБАНОВ

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2021 йил 21 декабрь,
48-2021-сон

А. ТОШКУЛОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг 2021 йил
24 декабрдаги 46-сон ҳамда Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 2021 йил
21 декабрдаги 48-2021-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига
«Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул
қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. 19-банд «апелляция комиссиясига» деган сўзлардан кейин «имтиҳон натижалари эълон қилинган пайтдан бошлаб 72 соат ичида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 21-банддаги «26 июлга қадар бўлган муддатда» деган сўзлар «48 соат ичида шикоят қилган шахслар иштирокида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1-иловада:

а) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Абитуриентларнинг турникда тортилиш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

11 маротаба ва ундан кўп тортилганда — 3 балл;

9-10 маротаба тортилганда — 2 балл;

7-8 маротаба тортилганда — 1 балл;

1 — 6 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганда — 0 балл.»;

б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Абитуриентларнинг 100 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

14,4 сония ичида бажарган тақдирда — 3 балл;

14,5 — 14,8 сонияда бажарган тақдирда — 2 балл;

14,9 — 15,4 сонияда бажарган тақдирда — 1 балл;

15,5 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — 0 балл.»;

в) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Абитуриентларнинг 3000 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

13,20 дақиқа ва ундан камроқ вақт ичида бажарган тақдирда — 4 балл;

13,21 дақиқадан 14,00 дақиқагача бажарган тақдирда — 3 балл;

14,01 дақиқадан 14,30 дақиқагача бажарган тақдирда — 2 балл;

14,31 дақиқада ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — 0 балл.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ**12 Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3299-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ-5250-сон «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюроман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 27 апрелдаги 26-сон буйруғи (рўйхат рақами 3299, 2021 йил 7 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2021 й., 10/21/3299/0438-сон) билан тасдиқланган Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 декабрь,
80-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги
80-сон буйруғига
ИЛОВА

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. Қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шаклларда «Очиқ бюджет» ахборот портали ҳамда ўзларининг расмий веб-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 январда эълон қилинган.

сайтларига ҳар чорак яқунларига қўра, кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар жойлаштириб боради.».

2. Мазкур қўшимчаларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 16-илова билан тўлдирилсин.

3. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

*Ҳисоб палатаси раисининг
биринчи ўринбосари*

В. ТУРАБОВ

2021 йил 22 декабрь

*Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори*

А. БУРХАНОВ

2021 йил 23 декабрь

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

13 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги ПҚ–5102-сон «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 15 майдаги 43, 12, 6, 4, 54 ва 01-02/5-20-сон қарори (рўйхат рақами 2675, 2015 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 264-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2021 йил 29 декабрь,
81-сон

Т. ИШМЕТОВ**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,
2021 йил 21 декабрь,
78-ққ-сон

П. БОБОЖОНОВ**Мудофаа вазири**

Тошкент ш.,
2021 йил 22 декабрь,
44-сон

Б. КУРБАНОВ**Фавқулодда
вазиятлар вазири**

Тошкент ш.,
2021 йил 23 декабрь,
23-сон

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

Тошкент ш.,
2021 йил 25 декабрь,
28-сон

А. АЗИЗОВ**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2021 йил 24 декабрь,
01-02/5-57-сон

А. МАВЛОНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги
81-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил
21 декабрдаги 78-ққ-сон, Мудофаа вазирлигининг
2021 йил 22 декабрдаги 44-сон, Фавқулодда
вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 23 декабрдаги
23-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг
2021 йил 25 декабрдаги 28-сон ва Давлат
божхона қўмитасининг 2021 йил 24 декабрдаги
01-02/5-57-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари
ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар
пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва
молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банддаги «фармонларига» деган сўз «фармонлари ва қарорларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 17-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. 18-банддаги «Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар «Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 6 январдаги 31/8-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1883-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 24 декабрдаги 46-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 48-2021-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтихон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995-1.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги 80-сон «Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3299-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 81-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 78-ққ-сон, Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 44-сон, Фавқулодда вазирлар вазирлигининг 2021 йил 23 декабрдаги 23-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2021 йил 25 декабрдаги 28-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 24 декабрдаги 01-02/5-57-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-3.